

ТОШКЕНТ


ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 237 (10.542)

2005 ЙИЛ 6 ДЕКАБРЬ



«Тошкент Лада» қўшма корхонаси ходимлари томонидан мижозларга намунали хизмат кўрсатилмоқда.

СУРАТДА: корхона устаси Абдуғани Ортиқов шогирдига касб сирларини ўргатмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**2005 ЙИЛ 11 ДЕКАБРЬ ЯҚШАНБА ДАМ
ОЛИШ КУНИНИ 2005 ЙИЛ 9 ДЕКАБРЬ
ЖУМАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнат-кашларнинг дам олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 11 декабрь яқшанба дам олиш кунини 2005 йил 9 декабрь жумага кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 декабрь

XVI сарфоси
Барча манбалардан
олинган сўғит хабарлар

Мамлакатимизда

• Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасида «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонуннинг Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда «Ўздонмахсулот» давлат акциядорлик компанияси томонидан бажарилиши муҳокама қилинди.

• Мамлакатимиз Конституцияси кўни арафасида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Марказий музейининг кўргазма залида Сергей Спиридоновнинг шахсий фотокўргазмаси очилди.

• Бугун Тошкент вилояти, — Қибрай туманидаги «Қишлоқ аёлларини кўллаб-қувватлаш» марказида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишлаб «Конституция миз — ҳуқуқимиз пойдевори» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди.

• «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компаниясида мазкур компания ҳамда «Ўзбек ипаги», «Ўзбекчарм-пойабзали» уюшмалари, Савдо-саноат палатаси таркибидаги истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи юздан ортиқ корхона махсулотларининг келгуси йил учун ўлгурини ва чакана савдо ярмаркаси очилди.

Жаҳонда

• Козогистон Республикасида Президент сайлови ўтказилди. Мамлакат марказий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотларига қараганда, «Отан» («Ватан») сиёсий партиясидан номзоди кўрсатилган амалдаги давлат раҳбари Нурсултон Назарбоев 91,02 фоиз овоз олиб, сайловда галаба қозонган.

• Кот-д'Ивуарда муваққат ҳукумат раҳбари тайинланди. Бу лавозимга Марказий банк бошқарувчиси Шарль Конан Банни лойиқ топилди.

• 15 декабрь — парламент сайловлари яқинлашгани сари Ироқда жангарилар хуружи авжга чиқмоқда. Жумладан, охири уч ҳафта ичида портлашлар ва кўпорувчилик ҳаракатлари натижасида мамлакатда 250 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди.

• Украинада парранда гриппига қарши қатъий кураш олиб борилмоқда. Хусусан, Сиваш кўлидаги ёввойи қушлар томонидан парранда гриппи тарқалган Крым шимолдаги бир қанча ҳудудларда фавқулодда ҳолат жорий этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Иккинчи кун)

2005 йил 3 декабрь кўни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти махлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ бир қанча қонунлар кўриб чиқилди. «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама этилди. Бу қонун электрон тўловларни амалга оширишда тўлов тизимининг субъектлари ўртасидаги, яъни тўлов тизимининг аъзолари билан тўлов тизимидан фойдаланувчилар (юримдик ва жисмоний шахслар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Мазкур Қонуннинг айрим моддалари тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини, электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлашга бағишланган. Атрофлича муҳокама этилганидан сўнг Қонун маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги Қонун муҳокама этилди ва маъқулланди. 2006 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш

концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур Қонунда экология солиғини ва айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимини бекор қилиш назарда тутилмоқда. Шунингдек иш ҳақи фондида тушадиган солиқ юқини камайитиш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи шкаласи унинг ўртача ва энг юқори ставкаларини камайитиш ҳисобига ўзгартрилмоқда.

Сенат давлат бошқарув органларининг, хусусан тadbиркорлиқни ривожлантириш ҳамда кўллаб-қувватлашда, иқтисодий ислохотларни ўтказишда муҳим роль ўйнаётган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорлиқни кўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг тузилиши ҳамда фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бир қанча қонунларни кўриб чиқди.

Шу муносабат билан Сенат «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Қонунни маъқуллади.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам парламентнинг юқори палатаси томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги, Тожикистон Республикасидаги, Франция Республикасидаги, Қувайт давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиларини вазифасига тайинлади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги, Тожикистон Республикасидаги, Украинадаги, Франция Республикасидаги ва Покистон Ислон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиларини вазифасидан озод қилди.

Ялли мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма қарори билан Олий Мажлис палаталарининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ
Дир кўни
Янгиликлар, воқеалар

Қишларда

• БУГУН «Норуда» очик турдаги акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими томонидан уюштирилган тадбир «Конституциянинг жамият тараққиётида тугган ўрни» деб номланди.

• БУГУН Тошкент фармацевтика институти ташаббуси билан 33-Меҳрибонлик уйда тарбияланувчилар ва тарбиячилар иштирокида хайрия тадбири уюштирилди.


• БУГУН Тошкент агротехорат касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман бўлими ҳамкорликларида «Конституция — жамият пойдевори» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• БУГУН «Янгиобод» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими томонидан маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида оилани мустаҳкамлашнинг муҳим омиллари борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

• БУГУН 322-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан Шукур Бурхонов, Ҳабибий, «Ўзгариш» маҳаллалари фаоллари ва ёшлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Конституция — демократик жамиятнинг асоси» деб номланди.

• БУГУН 126-мактабда Чилонзор туманидаги Ал-Хоразмий, «Бўстон», «Шараф», «Гулистон» маҳаллалари фаоллари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими томонидан ташкил этилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланди.

Тошкент шаҳар
ҳокимлиги Матбуот
хизмати ва ўз муҳбирларимиз
хабарларидан.



«Олмос-текс» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам маҳсулотларнинг бозор ва харидор талаби асосида ишлаб чиқарилишини таъминлаш йўлида самарали саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Асосийси, жамият аҳли саъй-ҳаракатлари билан сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки уларнинг «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан экспорт қилинаётганлиги қувонарли ҳол, албатта.

1993 йилда иш бошлаган корхона ҳозирги кунга келиб 50 нафар малакали, ўз касбининг усталари бўлган ишчи-хизматчиларни бирлаштирган. Улар олий тоифали пахта, тиббиёт момиги, мебель жиҳозлари ҳамда 12 турдаги макарон маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдалар. Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда сифатли бosh мезон деб, ҳисоблаб иш юритаётган жамоа учун интилиш, изланиш, янгилик яратиш мубаффақиятларга асос бўлмоқда.

— Президентимизнинг тadbиркорликни ривожлантиришга оид Фармонлари ва Қарори, — дейди корхона раҳбари Садриддин Исроилов, — нафақат бугунги кундаги иқтисодиётимиз ривожига, балки давлатимиз келажагига, халқимиз фаровонлигига эришишда ҳам хизмат қилиши, шак-шубҳасиз. Маҳаллий тadbиркорларимизнинг машаққатли меҳнатлари туради.

биркорлар учун ҳам, хорижий сармодорлар учун ҳам Ўзбекистонда бизнес юритиш, ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқчи бўлганларга ҳеч қандай тўсиқ, шубҳа-ғумонга ўрин йўқ. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, ҳар бир тайёрланган маҳсулот замирида мутахассис-

самардорлигини 150 фоизга ошириш кўзланган.

Жумладан, жамиятнинг макарон ишлаб чиқарувчи ҳақида вакуумли макарон тайёрловчи юксак самарали дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб уларнинг мададида ишчилар импорт ўрнини босувчи сифатли, хушхўр ҳамда тўйимли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда ҳамда республика бўйлаб миҳозлар мамнун этилмоқда. Уларнинг 800 граммлик ва 2 килограммлик қилиб қадоқланганлари, айниқса, харидорнинг ҳисобланади.

Ички бозоримизни изчил ўрганаётган корхона тadbиркорлари ламинат — замонавий, кўркам, сифатли, экологик тоза ҳамда узок мuddат хизмат қилувчи, асосийси ортикча эътибор талаб қилмайдиган материалдан буюртмага асосан ностандарт мебеллар тайёрлашни йўлга қўйишган. Улар ошхона, ётқоҳона термалари бўлиб, харидорлари сафи йилдан йилга ортиб бормоқда. Корхона тadbиркорлари келгусига ҳам катта-катта режалар белгиллашган. Уларни амалга ошириш учун эса барча шарт-шароитлар етарли. Ишчи-хизматчилар икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Тушлик, ишдан бўш вақтларида мароқли хordик чиқаришлари учун етарли жиҳозланган хона улар ихтиёрида.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: «Олмос-текс» масъулияти чекланган жамияти фаолиятини давом дорлар.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар

Бозор ва харидор

ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ, ЯНГИЛИК САМАРАСИ

Бугунги кунда маҳаллий тadbиркорларимизгина эмас, хорижий экспертлар ҳам юртимизда хусусий бизнес ва тadbиркорлик муҳити талаб даражасида эканлигини тан олмақдалар. Чунки мустaqиллик йилларида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда.

ларимизнинг машаққатли меҳнатлари туради.

Утган йиллар мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми, замонавий турлари ортис натижасида 30 дан кўпроқ ишчи ўринлари яратилди. Мухими, четдан келтириладиган товарлар ўрнига жамият ишчи-хизматчилари рақобатбардош ҳамда нисбатан арзон маҳсулотларини тайёрлашмоқда. Масалан, жорий йилда корхона цехига 80 минг долларлик пахта тозалаш ускуналари келтирилиб ўрнатилди. Йил охиригача 1000 тонна 2 турдаги тиббиёт пахталари ишлаб чиқарилиб, уларнинг 20 фоизи ички бозоримизга, 80 фоизи Россия давлатига экспорт қилинади. Кейинги йилдан эса иш

Ўзбекистон билан Япония ўртасида дўстона ва ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилган. Япон сармояси иштирокида ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган лойиҳалар асосан кадрлар тайёрлаш, энергетика, транспорт инфратузилмаси ва телекоммуникация тармоқларини ўз ичига олади. Қолаверса, таълим ва тиббиёт муассасаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун ажратилаётган грантлар, маданият жабҳасида ўтказилаётган тadbирлар, ўзаро бoрди-келдининг фаолилаётгани икки халқнинг ҳам ҳамкорликни мустақамлашга интилиши кучли эканидан далолат.

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ ЙЎЛИДА

Беш йил олдин Тошкентда Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон-Япония маркази ташкил этилган эди. Бу марказ асосан кадрлар тайёрлаш, хусусан, ишбилармонлик кўникмалари ва компьютер саводхонлигини ошириш, япон тилини ўргатиш ҳамда маданий тadbирлар ўтказиш билан шуғулланади. Марказ тўлиқ замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган. Ўқув курсларига қатнайдиган Ўзбекистонлик ёшлар учун барча шароит муҳайё. Ҳозирга қадар бизнес, япон тили ва компьютер курсларида икки мингдан зиёд ҳамюртимиз тахсил олди.

1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Ўзбекистон-Япония маркази фаолиятини узайтириш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Ҳужжатга Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н.Нажимов ва Япония халқроқ ҳамкорлик агентлигининг (JICA) мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Н.Нишимия имзо чекди.

Маросимда ушбу марказ беш йил ичида эътиборга молик ижобий натижаларга эришгани ва унинг фаолиятини давом эттириш икки мамлакат манфаатларига хизмат қилиши таъкидланди. Утган вақт мобайнида у Ўзбекистон билан Япония ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаб келди, ўзаро ришталарни мустақамлашга салмоқли хисса қўшди.

Тadbирда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

ЎЗА

Маълум

ТАЛАБАЛАРГА ЯХШИ ТОРТИҚ

«Ўзбекистон шарқшунослари (библиографик маълумотнома)» деб номланган тўпلام босмадан чиқди. Ушбу янги нашр мамлакатимизда шарқшунослик фани тарихини тadbик этишга киришилганига бағишлаб chop этилди.

Республикамизда шарқшуносликни ривожлантиришда Тошкент Давлат шарқшунослик институти олимларининг ҳиссалари катта бўлмоқда. Олий ўқув юртида фаолият кўрсатган ва хозирда ишлаб турган профессор-ўқитувчиларнинг илмий изланишлари туфайли кўпгина монография, китоб ва ўқув адабиётлари юзага келди.

Ана шу илмий натижалар ушбу тўпلامда кенг баён этилган. Олий ўқув юртида сақланаётган шарқшуносликнинг муҳим йўналишлари ҳақида ҳикоя қилувчи нашрлар тавсифи ҳам ўз ифодасини тоғди.

Маъжур тўпلام бундан илгари «Ўзбекистон шарқшунослари. Библиографик очерк» деган номда босмага тайёрланган китобнинг русча давоми сифатида тақдим этилди.

Таниқли олим Малик Абдусаматов томонидан яратилган бу тўпلام талаба ёшларга яхши ҳува адабиёти бўлиб хизмат қилади.

ЎҚУВ ДАРСЛИГИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошкент Аxbорот технологиялари университетининг телевидение ўқув амалиёт маркази йирик тadbикот ўчоғига ҳам айлиниб бормоқда. Кейинги йилларда бу ерда телевидение истиқболларига доир қатор илмий ишлар олиб бoрилади.

Марказ раҳбари доцент Шокир Тожибовнинг изланишлари ҳам самарали бўлмоқда. У ҳозир «Телевидение» деб номланган ўқув дарслигини яратиш устида ишламоқда.

Мамлакатимизда илк бор босмага тайёрланаётган бу ўқув адабиёти бир неча қисмдан иборат бўлади.

Унинг «Телевидениенинг жисмоний асослари» деган биринчи жилди эса босмага берилди. Унда XX асрнинг муъжизаси ҳисобланган телевидениенинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳам ёритилди.

Доцент Ш.Тожибов олий ўқув юртида «Телевидение» курсининг «Рақамли телевидение тизим ва стандартлар» йўналиши бўйича талабаларга билим бeриш соҳасида ҳам бой тажриба орттирган.

ДАСТУР ТАЛАБИ АСОСИДА

Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув методик қўлланмаларини босмага тайёрлаш йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Республика миқёсида тайёрланган дастур бўйича биринчи синфлар учун «Одобнома», «Алифбе» дарсликларини chop этиш тadbирлари кўрилди.

Яқинда нашрдан чиққан «Одобнома» ўқув қўлланмаси ўқувчилар учун яхши совға бўлди. «Одоб — инсоннинг ҳусни», «Оила одоби» каби обларни ўз ичига олган бу қўлланма мактаб оstonасига қадам қўйган болалар маънавий оламини бойитишда муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Бу каби тушунча ва билимларни миллий ва мавсумий ўйинлар орқали сингдиришга оид машулотлар намуналари ҳам кенг ёритилди.

Акбар АЛИЕВ

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ» КЎРИК - ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТАДИ

Ёш истеъдод эгаларининг ижодий, илмий изланишларини, интеллектуал салохиятини намойиш этиши учун шарт-шароитлар яратиб бeриш, вилоятларда истиқомат қилаётган иқтидорли ёшлар қобилиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Келажак овози» республика танлови эълон қилинган эди.

Ўзбекистон давлат Консерваториясида ушбу танловнинг совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимда 200 дан ортиқ ёшлар иштирок этишди.

Тасвирий санъат ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик, мусавирлик, халқ амалий санъати йўналиши бўйича хўнармандчилик анъаналарини давом эттириб кeлаётган 35 нафар иштирокчи ўз санъат асарини тақдим этди. Зардушлик йўналишида Миллий расомчилик ва дизайн институти талабаси Қамола Субхонова мазкур йўналишининг мутлақ голиби деб топилди.

Бадиий публицистика номинациясида наср ва назм, драматургия, бадиий публицистика ва журналистика, хусусан мақола, теле ва радио дастурлар, ҳужжатли фильмлар, бадиий фильм сценарийси муаллифларининг энг қалами ўткири аниқланди. Танловда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси Лазиза Носирова тележурналистика йўналиши бўйича номинациянинг биринчи ўрин соҳибига айланди.

Аxbорот-коммуникацион технологиялари йўналишида «СД диск-

да 3 та электрон дастур» йўналиши бўйича Тошкент аxbорот технологиялари университети талабаси Руслан Султонов биринчи ўринга сазовор бўлди.

Меъморчилик ва дизайн йўналишида «Ёшларни дам олиш марказларини архитектуравий шаклланиши ва дизайн» бўйича Алим Акмаляев ҳамда Иван Салаевга биринчи ўрин насиб этди.

Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа номинацияси бўйича эса «Этика мактаби» иш мавзуси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Алина Ахмерова мазкур йўналишининг Тошкент шаҳар босқичи мутлоқ голиби деб топилди.

Мусликий санъат йўналишида эса 6 та биринчи даражали диплом ўз эгасига топширилди. Успенский номидаги мусиқа академик лицейи ўқувчиси Бекзод Абдураимов биринчи ўрин эгасига айланди.

Шу тариқа «Келажак овози» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичидан жами 25 нафар иштирокчи Республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Фармон ва ижро

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Бундай самарали ишларнинг натижаси ўлароқ ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.



ТЕКШИРИШЛАР СОНИ КАМАЙМОҚДА

Республикаимиз Президентининг жорий йил июнь ойидаги тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги бир қатор Фармон ва Қарорлари, хусусан, 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш борасидаги ишларга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда, десак адашмаймиз.

— Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини режалли текширишлар сонининг кескин камайишида муҳим омил бўлди. Олиб қарайдиган бўлсак, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш туман комиссияси томонидан жорий

йилнинг 4-чорагида 141 корхона текширилиши белгиланган эди. Президентимизнинг мазкур Фармонларидан келиб чиққан ҳолда текширишлар сони кескин камайтирилиб, ана шу 141 корхонанинг 77 таси текширилдиган бўлди, — дейди Яққасарой туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Шавкат Собиров. — Биз бугунги кунда тадбиркорлар ва бошқа солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида йиғилиш, семинар ҳамда давра суҳбатларини доимий равишда ўтказиб турибмиз. Бу эса солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида Давлат казнасига тушишини таъминляпти.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: Яққасарой тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари навбатдаги вазифалар юзасидан фикрлашмоқдалар.

Париж яқинида жойлашган Вильпонт шахрида Ўзбекистоннинг бой қадимий тарихи ва маданиятини акс эттирувчи ўзбек халқ амалий санъати намуналарининг кўргазмаси очилди. У мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси ва «Ўзбекистоннинг Франциядаги дўстлари» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазма

ЎЗБЕКИСТОН – МЎЪЖИЗАВИЙ ВА МАФТУНКОР ДИЁР

Кўргазма воситасида ёғоч ўймакорлиги, миллий зардўзлик, кулполчилик, миниатора, наққошлик санъати намуналари, сўзана, табиий бўёқлар билан ишлов берилган ранг-баранг шойи матолар шахар аҳолиси эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Вильпонт шахар мэри Мартина Вильтон хоним сўзга чиқиб, Ўзбекистон ҳақида, Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий Самарқанд ҳамда Бухоро каби кўҳна шаҳарлар, улар бағридаги бетакрор осори-атикалар, шунингдек, айни пайтда ҳам гуллаб-яшнаётган миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъатининг ўзига хос жиҳатлари хусусида атрафлича тўхталди. У мазкур кўргазма ҳам Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

— Бугун мен мўъжизавий ва мафтункор Ўзбекистонни яна бор кашф этдим, — дейди Вильтон хоним. — Бу юрт санъатининг бой ва ранг-баранглиги кишини хайратга солади.

«Жаҳон» АА

Сахават

СПЕКТАКЛНИНГ ЮЗИНЧИ НАМОЙИШИ

Машҳур исроиллик ёзувчи Шолом Алейхем ижодида «Томдаги скрипкачи» асари алоҳида ўрин тутди. Бу пьеса республикаимиз томошабинларига ҳам яхши таниш.

Бундан ўн йил аввал у Исроил давлатининг Ўзбекистондаги элчихонаси тавсияси билан саҳна юзини кўрган эди. Ўзбекистон Ёшлар театри репертуаридан ўрин олган бу постановкани 35 мингдан ортиқ томошабин келиб кўрди. Яқинда эса спектаклнинг юзинчи постановкаси мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

Шу муносабат билан театрда юбилей тадбири ўтказилди. Театрнинг бадиий раҳбари Наби Абдураҳмоновнинг маълум қилишича, «Томдаги скрипкачи» спектакли яқин орада Россия Федерациясининг Новосибирск, Омск, Барнаул шаҳарларида ҳам кўрсатилади.

ЯНГИ ЛОЙИХА ДОИРАСИДА

Тошкентдаги «Илҳом» театрининг ўттиз йиллик юбилей доирасида йирик маданий тадбирлар ўтказилмоқда. «Шарқ-Ғарб» деган шior остида ташкил этилган халқаро фестивал ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортиди.

Мазкур лойиҳа дастури бўйича немис театри ҳафталиги ҳам уюштирилди. «Қиёфа театри» томонидан тақдим этилган постановка ҳам мухлисларга манзур бўлди. Кўғирчоқ театри янглиг фаолият кўрсатаётган бу нуфузли ижодий гуруҳ саҳналаштирган спектакллар имо-ишора кўриниши талқинида ижро этилди.

Бундай қизиқарли томошаларни ташкил этишда Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси яқиндан ёрдам берди.

МУСИҚА МАКТАБЛАРИГА АРМУФОН

Муסיқа таълимига доир яна бир услубий кўлланма чоп этилди. «Пуфлаб чалинадиган чолғу оркестрлари учун жаммо ижрочилиги мактаби» деган номда босмага тайёрланган мазкур нашрда республикаимизда духовий оркестрлар тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Унда духовий оркестрда ижро этиб келинаётган ўзбек халқ куйларидан қатор намуналар ҳам ўз ифодасини топди.

Мамлакатимизда муסיқа жанрининг бу йўналишида илк бор яратилган ушбу кўлланма муסיқа мактаблари ўқувчилари учун фойдали ўқув адабиёти бўлиб хизмат қилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Сахават

БОЛАЖОНЛАР КЎНГЛИ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ижтимоий ҳимоя, кўмакка муҳтожларга саховат кўрсатиш ишлари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Саховатпеша инсонлар ва корхоналар сони тобора ошиб бормоқда. Айниқса Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларга доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Зеро, етим-есирларнинг бошини силаш бу кўҳна дунёдаги энг улғу савоблардан ҳисобланади.

Шаҳримиздаги «Мехрли савдо» шўъба корхонаси фаолиятининг йўналиши кўп жиҳатдан болажонларга боғлиқ. Зеро, ушбу корхонанинг ғайратли, меҳрибон ишчи-хизматчилари ижтимоий соҳа муассасалари — мактабга чина тарбия муассасалари, Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, санаторий-профилакторийлар, болалар касалхоналари, Қариялар уйлари озиқ-овқат ва қишлоқ кўчалик маҳсулотлари билан таъминлаб келадилар. Эътиборли томони шундаки, «Мехрли савдо» айнан Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган болаларга тез-тез мурувват кўрсатиб туради. Шунингдек, уларнинг марҳаматидан маҳаллардаги кам таъминланган оилалар, болалар касалхоналари, қариялар уйлари ҳам баҳраманд бўлиб туришади.

Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан «Мехрли савдо» шўъба

корхонаси навбатдаги саховат тадбирини Собир Раҳимов туманидаги оёққўли ногирон болалар тарбияланаётган 100-махсус мактаб-интернатда ўтказишга қарор қилди. Шу кўни қолтоқлар, болалар машғулот ўтказувчи гиламчалар, ўйинчоқлар, қўйингчи, жами 500 минг сўмлик турли анжомлар ҳамда 185 килограммлик ширинликлар ва бошқа совға-саломлар ногиронлар таълим-тарбия олаётган ушбу ўқув муассасасига тўхтади. Мурувват ёрдами тўпшириш экан, шўъба корхонаси раҳбари Нурилла Ғиёсов, директор ўринбосари Ада Чекановалар болажонларни байрам билан қутлашиб, келгусида мустақам соғлиқ, ҳаётдан ўз муносиб ўринларини эгаллашлари борасида омадлар тилади.

Ўз навбатида махсус мактаб-интернат ўқувчилари чиройли концерт дастурини



намойиш этишиб, ҳомийлар кўнгилларини хушнуд этишди.

ДИЛШОД ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: «Мехрли савдо» шўъба корхонасининг 100-махсус мактаб-интернатда амалга оширган хайрия тадбиридан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

8 - ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН



41-модда. Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бел-пул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

37-модда. Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Шу сабабли ҳам Асосий Қомусимизда фуқаролар манфаатининг ҳамма нарсдан устунлиги тан олинган ва қонуний мустақкамланган. Конституциямизнинг муҳим хусусиятидан бири шунки, фуқаролар манфаатининг устунлиги нафақат эълон қилинган, балки кафолатланган ҳамдир. Масалан, Конституциямизда юртимизнинг демократик давлат деб эълон қилиниши, яъни унда халқ ҳокимиятичилиги ўрнатилганлиги, демократиянинг умуминсоний тамойилларига асосланганлиги, бунга кўра инсон, унинг ҳаёти ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиши, фуқароларга жуда катта ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши, уларнинг Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши ва ҳозоралар юридикдаги фикримизнинг далилидир.

Бизнинг давлатимизнинг энг биринчи вазифаси халқ иродасини ифода этиш, эл манфаатларини ҳимоя қилиш ва улarga хизмат қилишдир. «Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қондан ҳамма тан олиши, бу қондага ҳамма итоат қилиши шарт».

олдидаги масъулиятининг қонунлаштирилиши бўлди. Конституциямизга биноан, давлат қонун доирасида инсонлар учун, уларнинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечирishiлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи шарт. Шу боисдан конституциявий тарзда мустақкамланган бўлиб, бу қондан бизда давлат ҳокимияти халқ иродасидан келиб чиққанлигини ва унга бўйсундирилганлигини аниқлатади. Халқ манфаатларининг устуворлигини ва рўёбга чиқарилишини таъминлаш давлатимизнинг энг асосий вазифаларидан эканлигини Юртимизнинг халқ вакиллари, яъни Олий Мажлис депутатларига қарата қилган кўйидаги мурожаати ҳам яққол тасдиқлайди. «Мен сизлардан фақат бир нарсани илтимос қилмоқчиман, кўпроқ одамлар орасида бўлиблар, халқнинг турмушдан, ҳол-аҳволидан хабар олиб туринлар. Айниқса, мухторларнинг, етим-есир, бева-бечораларнинг, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммолари Наврўз ёки Ҳайит кунларидagina эмас, доимий эътиборингизда бўлсин».

Хар бир фуқаронинг давлат ҳимоясида эканлиги, барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъул эканлиги Асосий Қонунда мустақкамлаб қўйилган муҳим қондалардан ҳисобланади. Шунингдек, бу қондан амалга оширилиши бошқа жорий қонунларимиз билан ҳам таъминланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1995

йил 30 августда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунига биноан, «Хар бир фуқаро давлат органлари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-харакатлари /қарорлари/ билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга...».

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари ташланган дадил қадамлардан бири давлатнинг фуқаролар давлат халқ иродасини ифода қилиши, хохши-истакларига хизмат қилмоғи лозим. Бу ҳам мустақил давлатимиз Конституциясининг ўзига хос демократик жиҳатларидан биридир.

Мустақил Ўзбекистонимизда давлатнинг халқ иродасини ифода этиши, инсон манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдига масъул эканликларига

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
Абу Райхон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университетидеги талабалар, педагог мураббийлар иштирокида «Конституциямиз, қомусимиз — фахримиз» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда талабаларнинг ўзбек ва рус тилларидаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши тарихи», «Конституция ва ёшлар», «Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари», «Хуқуқий маданият ва ҳуқуқий онининг фуқаролик жамиятини қуришдаги аҳамияти», «Фарзанднинг ота-она олдидagi бурчи», «Конституциянинг давлат ва жамият ҳаётида тугган ўрни» каби 15 га яқин мавзуда ва бошқа долзарб мавзудаги чиқишлари тақдим этилди.

Тошкент Давлат техника университетининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректори Музаффар Ортиқов, «Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари» кафедраси мудири Раҳбархон Холмиқовлар ўз чиқишларида Конституция ва қонунларнинг Ватанимиз тарихидаги аҳамияти, уларни ўрганиш ва тарғиб қилишнинг илмий-услубий томонларига эътибор қаратдилар.

Анжуманда талабалар томонидан рефератлар асосида тайёрланган Конституциямизга бағишланган альбомлар тақдими ҳам бўлди. Энг яхши мавзуларда чиққан бир гуруҳ талабалар китоблар билан тақдирланди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

ҚОНУНЛАР ГУЛТОЖИ

Вақт ўтган сайин мустақил республикамиз Конституциясининг ҳаётлиги, демократик руҳи тўлароқ намоён бўлмоқда. Бугунги кунда эса Асосий қонунимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини қозонди.

Ўзбекистон XXI асрга ўз эрки, хурлигини қўлга киритиб, ислохотлар, туб ўзгаришлар, жамиятни янгилаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзи танлаб олган йўлдан собитқадамлик билан бормоқда. Халқимиз учун мустақилликнинг ўтган йиллари сермазмон, воқеаларга бой бўлиб, авваламбор бу давр мобайнида миллий давлатчиликнинг пойдеворини шакллантириш билан узвий боғлиқ бир қатор саъй-харакатлар амалга оширилди.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий негизи шаклланди. Халқимиз манфаатлари, истиқболли тараққиётимизга аҳамиятли чет эл сармояларини жалб қилиш, фуқароларнинг тадбирчилик учун муҳим иқтисодий механизмлар яратишди. Давлатнинг иқтисодий фаолиятининг кўпқиррали шакллари ривожлантиришдан иборат конституциявий қарорлар — тадбиркорликнинг самараси ва меҳнатнинг эркин бўлишини таъминлаш мумкин бўлган бозор иқтисодиётининг негизини ташкил этиши, мулкчилик шакллариининг хилма-хил бўлиши, улар тенг ҳуқуқли ҳимояга эга бўлиши, халол рақобат ва ижтимоий фойдала бўлиши зарурдир.

Ўзбекистон Конституциясида ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши қайд этилган бўлиб, бу нарсалар фуқароларнинг жамият бирлашмаларида ўзиши ҳуқуқлари орқали

Жумладан, ўзида юксак инсонпарварлик қояларини муҷассамлаштирган Ўзбекистон Конституцияси эндиликда ҳаётимиз дастуруламалига айланди. Конституциянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Асосий Қомусимизда, чунончи, халқ ҳокимиятичилиги, давлат тузилиши, жамиятни ижтимоий бошқаруving барча тизимидаги ўзгаришлар қайд қилинган. Конституция сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий тартибни мустақкамлаш, ижтимоий ҳимояланишини таъминлашнинг

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий воқелигида кўптартиявийлик шаклланиб, сиёсий ҳаётни ташкил қилишнинг доимий ҳаракатда бўлган асосий конституциявий принципларига айланган бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси уч марта бўлиб ўтган умумхалқ сайловлари натижалари бунинг яққол мисоли бўлиши мумкин. Икки палатали парламентнинг Қонунчилик палатасига 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12197159 (85,1 фоиз) сайловчи, 2005 йил 9 январдаги сайловда эса 5400000 дан ортқ киши ёки такрорий овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг қарийб 80 фоизи сайловларда фаол қатнашди. Сайловларда 489 депутатликка номзод, шу жумладан сиёсий партиялардан 435 киши ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан мустақил номзодлар 54 киши иштирок этди.

Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари энг олий кадрият сифатида кафолатлаб қўйилган.

Айтиш жоизки, хар бир миллатнинг тили, урф-одатлари ўзлари учун жуда азиз. Одам ўз тилида яйраб гапирарди, яхши фикрлайди. Ота-бобосидан қолган урф-одатлар эса уларнинг муқаддас бойлигидир. Халқимизнинг байирлигини, дўстлик, биродарлик каби кадриятларга буюк эҳтиром билан қарашни тўғрилайди турли миллатлар ёнма-ён, ахил-биродарликда яшаб келмоқдалар.

Дин азҳори

ОРЗУ ИНТИЛИШЛАРИМИЗ МУЖАССАМ

Мустақил диёримиз кўп миллатли, тенглик, тинчлик-тотувлик ҳукмрон бўлган мамлакат. Юртимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат вакиллари бир маслак, бир гоё остида бирлашиб, қўлни-қўлга бериб ҳамжиҳатлик билан яшаб келмоқдалар.

Мамадқули МУСТАФОЕВ, профессор:

«Ўзбекистонда миллий кадриятларнинг тикланиши, хусусан миллатлараро ҳамкорлик ва дўстлик ришталарининг янада мустақкамланиши Юртимизнинг Ислам Каримовнинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Буни, албатта ўзбекистонликлар қатори биз туркман миллатига мансуб бўлган аҳоли ҳам жуда яхши биламиз ва фахр билан тилга оламиз.

Наталья ШИМАНФРИ, меҳнат фахрийси: —Узоқ йиллар шаҳар меҳнат бўлимида ишладим. Жамоамизда турли миллат вакиллари меҳнат қиларди. Улар билан бир оиладек, ҳеч бир келишмовчиликсиз, шу юрт ривожига йўлида аҳил, бирдамликда меҳнат қилдик. Ҳозирда фахрийлар қаторида набираю фарзандлар ардоғида кексалик гаштини суриб дам олмақдаман.

Жорий йилнинг «Сихат-саломатлик йили» деб номланиши муносабати билан аҳоли саломатлигини тиклаш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кам-харж, ногирон, кексаларга қўрсатилаётган имтиёзли тиббий хизмат, бепул дори-дармон, оилавий поликлиника, касалхоналардаги шарт-шароитлардан барча миннатдор. Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиса мусаффо бўлсин.

Шаҳризода МУХСИМОВА

«Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари ташланган дадил қадамлардан бири давлатнинг фуқаролар давлат халқ иродасини ифода қилиши, хохши-истакларига хизмат қилмоғи лозим. Бу ҳам мустақил давлатимиз Конституциясининг ўзига хос демократик жиҳатларидан биридир.

Наталья ШИМАНФРИ, меҳнат фахрийси:

Жорий йилнинг «Сихат-саломатлик йили» деб номланиши муносабати билан аҳоли саломатлигини тиклаш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кам-харж, ногирон, кексаларга қўрсатилаётган имтиёзли тиббий хизмат, бепул дори-дармон, оилавий поликлиника, касалхоналардаги шарт-шароитлардан барча миннатдор. Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиса мусаффо бўлсин.

Шаҳризода МУХСИМОВА

«Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари ташланган дадил қадамлардан бири давлатнинг фуқаролар давлат халқ иродасини ифода қилиши, хохши-истакларига хизмат қилмоғи лозим. Бу ҳам мустақил давлатимиз Конституциясининг ўзига хос демократик жиҳатларидан биридир.

жавоб берди. Жамиятнинг тўғри ҳаёт кечирishi нафақат ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, балки барча фуқаролар ва юридик шахслар қонунларга тўлиқ риоя этишини талаб қилади. Бу ўринда фуқароларнинг ҳуқуқий онини ўзгалтириш, уларда қонунларга чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, мустақкам ҳуқуқий маданиятни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Сўров натижалари шунини кўрсатмоқдаки, аҳоли ҳуқуқий онини оширишда сезиларли натижаларга эришилди. Жумладан, сўралганларнинг яримдан кўли (56,3 фоиз) Конституция қабул қилингандан кейин ўтган 13 йил давомида фуқароларнинг қонун ва фуқаролик ҳуқуқларига муносабати ижобий томонга ўзгарди, жамиятнинг ҳуқуқий асосларига ҳурмат кучайди, деб

ҳисобламоқда ва бу кўрсаткич ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Конституцияси инсон, унинг ҳаёти, кадр-қиммати, ларимиз ўзларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган деб ҳисоблашади. «Сизнинг ҳуқуқ ва эркинликларингиз бузилишидан ўзингизни қай

да тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқи катта аҳамиятга эга. Сўралганларнинг ярми давлат вакиллари, дегад фикрда.

КОНСТИТУЦИЯ — ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ КЎЗГУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази пойтахт аҳолиси ўртасида сўров ўтказди. Унда аҳолининг барча қатламлари вакиллари — эркак ва аёллар, турли ёш ва миллатга мансуб инсонлар, билим даражаси хар хил одамлар қатнашди. Бундай мақбул усул олинган натижаларнинг ишончли бўлишини таъминлади.

ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишини кафолатлайди. Мамлакатимизнинг барча фуқаролари, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдига тенгдир. Конституция ва қонунларда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсизлаш, ҳеч ким судсиз уларни қечлаши мумкин эмас. Сўровдан маълум бўлдики, фуқаро-

ларимиз ўзларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган деб ҳисоблашади. «Сизнинг ҳуқуқ ва эркинликларингиз бузилишидан ўзингизни қай да тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқи катта аҳамиятга эга. Сўралганларнинг ярми давлат вакиллари, дегад фикрда.

ҳамма жойда — мактабгача тарбия муассасаларидан тортиб, олий ўқув юрталарида ҳуқуқий билимларни ўқитишни яхшилаш вазифаси қўйилган эди.

Сўров натижаларини умумлаштириб айтиш мумкинки, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида хабардорлиги ҳамда аҳолининг мамлакат Асосий Қонунига ҳурмати барқарор ортиб бораётгани кузатишмоқда. Айна пайтда фуқароларнинг онгида Конституциянинг роли ва аҳамияти ҳам ўсмокда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик ва фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларни қонуний мустақкамлабни қолмай, мамлакатда демократиянинг мунтазам ривожланиши ва тақомиллаштиришга ёрдам бормоқда. У Ўзбекистонда жамоатчилик фикрининг шаклланишига улкан ижобий таъсир қилувчи ҳуқуқий пойдеворга айланди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида Ўза мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида Ўза мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади

Мағбирлар

ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТИ

Жамиятимизнинг асосий қонун-қонда-си жамланган, ҳақ-ҳуқуқларимиз кафолати бўлган Конституциямиз қабул қилинган кунга 13 йил тўлиши муносабати билан жойларда тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Кун кеча Никоҳ ва оила маросимлари марказида бўлиб ўтган «Еш оила қурувчилар» мактабининг навбатдаги машғулотини ҳам «Конституция ва ёшлар» деб номланди.

Таъкидлаш жоизки, мактабининг асосий мақсади оила қурувчи ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий-савоҳдонлигини оширишдан иборат. Ёшларга



ОИЛА - МУҚАДДАС ВАТАН
ЕШ ОИЛА ҚУРУВЧИЛАР МАКТАБИ

оила муқаддаслиги, миллий урф-одат ва анъаналаримизни кенг тарғиб қилиш, амалдаги қонунлар, фуқаролик ва оила кодекслари, оилага оид ҳуқумат қарорлари, дастурлари, қўрсатмалари бўйича тушунчалар бериш, бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилаш, турмуш қийинчиликларини бартараф этишга ўргатиш, тиббий куриёнига аҳамияти, соғлом фарзандларни дунёга келтириш ва уларни баркамол этиб тарбиялаш асослари батафсил тушунтириб борилади.

— Машғулотлар давомида етакчи ҳуқуқшунослар, тиббий эҳдиқимлари, социолог олимлар ва бошқа соҳага оид мутахассислар билан биргаликда Адлия бошқармаси томонидан тасдиқланган махсус йиллик режада белгиланган мавзулар асосида маъруза, суҳбат, амалий машғулотлар ўтказилади.—дейди биз билан суҳбатда Никоҳ ва оила маросимлари марказининг етакчи мутахассиси Мавжуда Мақсудова.— Бугунги машғулотларимизнинг Асосий Қонунимизда белгиланган ҳақ-ҳуқуқлар, она ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган бошқарма қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Чунки ёшларимиз жамиятимизнинг фаол аъзоси бўлишлари учун Бош Қомусимизни ўқи-ўрганишлари, ҳақ-ҳуқуқи билан бирга ўз мажбуриятларини ҳам яхши билишлари лозим.

Шунингдек, тадбирда Ғ.Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи «Маънавият ва маърифат» бўлими раҳбари М. Жаъфаров «Конституция ва ёшлар», Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Соқидова «Конституцияда аёллар ҳуқуқи», Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими А.Бердиев «Асосий Қонунимиз—ҳуқуқларимиз кафолати», Юнусов туман «Оила» маркази раҳбари А.Қамоллова «Соғлом оила—жамият таянчи» мавзуларида сўзга чиқиб Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунчалар беришди.

Мактаб тингловчилари ўзларини қизиқтирган саволлар, фикр-мулоҳазаларини билдириб, тадбирнинг ниҳоятда жонли, баҳс-мунозарали ўтишига ҳисса қўшдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Никоҳ ва оила маросимлари марказида бўлиб ўтган навбатдаги машғулотдан лавҳалар

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб доно бўлиш...

● Араб олимларидан Шойфий айтиди:

— Қилич ва найза билан ҳосил бўлмаган кўп ишлар юмшоқлик, мулойимлик билан ҳосил бўлади. Ғазаб келтирган зарар ғазабланган кишининг ўзига қайтади.

● Қадимги Эрон ҳукмдорларидан Анушерван айтиди:

— Инсонга олий ҳимматли бўлиш тақдир этилгандир. Олижаноб бўлган бир табиб боқаятган беморни ҳиммат давоси билан даволайди, жаҳоннинг ободлиги олий ҳимматли кишилар соясида бунёдга келади.

● Мурод, мақсад ҳазиналари меҳнат кўприги устундир.

● Ҳаёт бамисоли кўзгу — ҳар бир инсон унда ўз аксини кўради. Агар хўмрайиб боқсанг, ҳаёт ҳам сенга зарда билан қарайди. Унга доим табассум билан бок, ана шунда ҳаёт сенга дўстона кўл чўзади.

● Ақл улғуликка, ақлсизлик эса тубанликка етаклайди.

● Бир кишининг «хур» исми жуда чиройли хотини бор эди. Душман билан бўлган урушга у йигит бормай, уйига қайтди. Одамлар таъна қилиб, унга:

— Эй номард, нега урушга бормай қайтиб келдинг? Кофирни ўлдирсанг гози, улсанг — шаҳид бўлиб, қиёматда жаннатга кириб, «Хурийини» га бўлардинг, — дедилар.

У йигит айтиди:

— Уйимда ўзимнинг ҳурим бор. Битта «ийн» деб ўлишни истамайман.

● Икки дўст учрашиб қолиб, бириси иккинчисига ўз ҳолидан шикоят қилиб деди:

— Дўстим ҳолим жуда оғир, меъдам ҳеч нарсани қабул этмайди, жуда кучсизман, кўзларим тинади, бошим айланади, кўнглим айниди, оёқларим қалтирайди, кечалари кўзимга уйку келмайди, иситмалаб ёнаман. Мабоодо дўстларим сендан менинг ҳолиمنى сўрасалар, уларга шундай деб айт, — деди.

Дўсти унга:

— Тўхта дўстим, мени кечир, бундай узун сўзларни эсимда сақлаб қолайман. Сенинг ҳолингни сўраганларга қисқача қилиб: «Бечора дўстим вафот қилди», дейман қўяман, — деб жавоб берди.

● Қадим замонда ёғ ва асал билан савдо қилувчи бир бой ўз қўшини такводдор одамга ихлосманд бўлиб, ҳар кунни унга ёғ, асал юбориб турарди. Такводдор текин келиб турган бу неъматдан озгина еб, қолганини уй тоқчасида турган хум идишга солиб кўярди. Оз фурсат ичида хум тўлди.

Бир кун такводдор хумга қараб севишиб, ўз-ўзига деди:

«Бу йилгилан ёғ, асални қиммат баҳога сотиб, бешта кўй оламан. Кўйларимнинг ҳар бири олти ойда иккитадан тўғса, бир йилда йигирматдан бўлади. Кейин булар ҳам тўғиб берсалар, тез фурсатда анча кўйга эга бўламан. Кўйларимнинг бир қисmini сотиб, ҳов-ли-жойини тузатаман. Уйимни янги асбоблар билан тўл-дираман. Бу ишларим битгандан кейин обрўли бир одамнинг қизига уйланаман. Тўққиз ой ўтгач, хотиним бир ўғил туғиб беради. Уни тарбиялаб ўстираман. Агар уйинга қизиқиб, буорган ишимни дарров бажо келтирмаса, кўлимдаги ҳасса билан ураман», деди ва ўғлини ўз олдида фахрлаб, ҳассасини тоқчага урди. Ҳасса тоқчадаги хумга тегиб, уни синдириди, хум ёрилиб, такводдорнинг боши, юзи ва қийимлари ёғ, асал билан беланди.

«Тошкент оқшоми» газетаси чоп этила бошлагач, унинг ихлосмандлари, муштарийлар сони кундан-кунга ортиб борган. Уша даврлардаёқ республикамизнинг нуфузли газеталари қаторида «Тошкент оқшоми» ўзининг долзарб мавзуларга бағишланган мақолалари, саҳифалардаги турфа руқнли лавҳалари билан ўз ўқувчиларининг назарини банд этганди.

Газета таҳририятининг таҳсинга лойиқ томони шундан иборат бўлган эдики, у ўзининг муаллифлари, муҳбирлари қаторига республикамизда ўзининг хайрли ишлари, жозибали, қизиқ мақолалари билан таниш бўлган олимларни, санъат намояндалари, саноат корхоналарининг фаол ишчи-хизматчиларини жалб этганди.

Тиббиётга оид қизиқарли мақолалари билан олим Зикрилла Эгамбердиев, ўзбек ошона тилсимларининг билимдонни, лаззатгир, файласуф олим Карим Маҳмудов, маҳалла, халқ олдида одамхунлиги билан танилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуфаттоҳ Набиҳўжаев, донишмандлик сеҳри билан сугорилган Шорасул ота Зуннунов, серқирра билим эгаси, шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасанов каби чуқур билим ҳазинасига эга бўлган шахсларнинг газета саҳифаларида ёритилган мақолалари ўқувчиларни мароқ билан ўқишга чорлар эди.

Таҳририят ходимлари вақти-вақти билан газета учун қалам тебратадиган муаллифларни даврага йиғиб, улар орасида ўзларининг навбатдаги режаларини баён этарканлар, замонанинг долзарб муаммоларини ҳал этишда фаолликни талаб қилардилар.

Шу ўринда газетанинг халқ учун кўрсатган хайрли ва савобли хизматларидан бир лавҳа келтирмоқчиман. Бир вақтлар шаҳримизнинг обод бўлиши, бозорларимизни турфа, сархил моллар ва мевалар билан таъминлашида, маданиятли савдонни жонлантиришда жонбозлик кўрсатишда «Оқшом» газеталари салмоқли улуш қўшганди.

Кунларнинг бирида газета Тошкентдаги савдо-сотик шохобчалари, бозор хизматини тартибга солиш мақсадида республика кўлимидаги соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, бош ветеринария хизмати вакиллари, баобрў маҳалла фаоллари, етук ёзувчиларни таҳририятга чорлаб, бозорлардаги санитария ҳолатини яхшилаш, сифатсиз маҳсулотлар устидан назорат ўрнатилиш борасида махсус рейдларни ташкил этиш тўғрисида фикрлашга чорлади.

Тегишли мутахассислар «Олой», «Эски Жўва» бозорларида мавжуд бўлган санитария-ветеринария хизмати лабораторияларининг таҳлилий ишлари устидан кузатувлар олиб боришди. Бунинг натижасида бозорга, шаҳар аҳолисига келтириладиган полиз маҳсулотлари /қовун, тарвуз, ҳандалак ва бошқа/нинг сифат даражаси анчагина яхшиланди. Яъни полиз маҳсулотлари таркибида мавжуд бўлувчи азотли ўғит қолдиқлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган кўйилган меъёрдан ошмади. Чу-

нончи, харидга кўйилган тарвуз қорвати 45 мг/кг дан ортиқ, қовунларда эса 90 мг/кг дан ортиқ нитрат ионлари аниқланса, бундай маҳсулотлар савдога қўйилмаган, ўзида салмоқли микдорда сунъий ўғит қолдиқлари бўлган маҳсулотлар ҳатто уй хайвонларига озуқа сифатида ҳам раво кўрилмаган. Сифатсиз полиз маҳсулотларининг устига оҳақ сепилиб, йўқотилган. Мазкур амалларнинг бажарилишида Абдуфаттоҳ Набиҳўжаев ва бир қатор ёзувчиларнинг хизматлари катта бўлган. Улар бозор маъмурияти, аҳоли орасида ҳибси-сихат, савдо маданияти тўғрисидаги маъруза ва суҳбатлари билан чиқишган. «Тошкент оқшоми» газетасининг бундай хайрли ишлари шаҳримиз

га бордим. Уша пайтда устозим Саъдулла Шодиев шу газетани ишларди. Унинг ёрдами билан газетани дастлабки мақолаларим босилди. Шу ерда мен ижтимоий-сиёсий бўлим мудири, «Оқшом»нинг спорт шарҳловчиси Дилшод Исроилов билан танишдим. Шу кундан бошлаб у билан ижодий ҳамкорлигимиз бошланди, «Оқшом» га мустаҳкам боғландим.

1991 йилда «Маҳалланинг қувонч ва ташвишлари» сарлавҳали лавҳам «Оқшом»нинг иловаси «Маҳалладош» газетасида чоп этилгандаги қувончим ҳали-ҳамон эсимда. Шундан кейин «Пахтакор» жамоасида кўп йиллар ҳужумчи сифатида фаолият юритган, ҳозирда футбол мутахассиси Тўлаған Исоқов билан суҳбатлашдим. Бу суҳбат ҳам газета саҳифаларидан ўрин олди.

Университетни тугаллаганидан кейин «Туркистон», «Қадрият» газеталарида бирмунча муддат ишлаб турдим. Лекин «Оқшом»дан кўнглим узилмасди. Унинг таҳририятига тез-тез бориб турар, у ерда ишлаётган касбдошларимнинг тавсияси билан мақолалар, лавҳалар ёзиб турардим. Шундай кунларнинг бирида Дилшод ака:

— Бизда ишлаймизми? — деган савол билан менга муурожаат қилиб қолди.

Бу гапдан хурсанд бўлиб кетдим. Мен учун «Оқшом»да ишлайдиган забардаст журналистлар билан бир қаторда ўтириб қалам тебратиш қутилмаган бахт эди. Шундай қилиб таҳририятнинг ижтимоий-сиёсий бўлимида муҳбирлик қила бошладим. Жамоа жуда аҳил, доимо бир-бирини хурмақилар, яхши-ёмон кунларда бири-бирига мададкор бўларди. Бундай одамлар орасида ишлаганда ўзингни ҳеч қачон ёлғиз ҳис этмайсан. Шунинг учун мен ҳам жамоага тезда қўшилиб кетдим.

Орадан бир йил ўтгач Бош муҳарриримиз мени ҳузурига чақириб қолди. Қирсам у киши «Оқшом» да ахборот бўлими ташкил этилганлигини айтиб, менга «шу бўлимда ишлайсизми», деган гапни айтиб қолдилар. Бу ишончдан бошим осмонга етди. Албатта розилик билдирдим.

Шу кундан бошлаб «Вечерний Ташкент» газетаси муҳбири Наталья Пьянзина билан ҳамкорликда «Оқшом» газеталари учун «Пойтахтнинг бир куни» руқни остида кундалик ахборотларни тайёрлашни йўлга қўйдик. Ҳозиргача шу руқни остида шаҳримиз туманларидаги хабарларни мунтазам равишда, тезкорлик билан ёритиб борамиз. Шу орада таҳририятимизга бир гуруҳ ёшлар келиб қўшилди. Улар билан бир ҳонада ўтириб ишладик. Ёшларга кўлимдан келганча журналистика сирларини ўргатдим. Ҳозирда шу ёшлардан Орзигул Рустамова, Шахло Ҳошимова, Юлдуз Ризаевалар биз «оқшом»чилар билан бир сафда ёнма-ён ишлашмоқда.

Истагим, «Оқшом» ҳамиша нур сочаверсин. Муштарийларимиз сони йил сайин ортаверсин. Биз янги-янги руқнар, дилтортар мақолалар билан уларнинг кўнглини хушнуд этаверайлик.

Акаб Йўлдошев,
«Тошкент оқшоми» муҳбири

Ишлар, тақдирлар

«ОҚШОМ»НИНГ
ЎТГАН КУНЛАРИ

ЭСДАЛИКЛАР, ХОТИРАЛАР

аҳолиси орасида ошқозон-ичак йўли хасталикларининг кескин камайишига омилкорлик қилган.

«Тошкент оқшоми» газетасида чоп этилган қизиқарли мақолаларни ҳудудий газеталарда қайта босиш ҳоллари бўларди. Тўғриси айтиш керак, мазкур газета таҳририятига мақола кўтариб келган ижодкор шахс бу ердан мамнуният билан чиқиб кетар эди, чунки мақолада битилган ҳар бир масала бўлим ходимлари томонидан муаллиф билан биргаликда «пишитилиб» босишга тайёрланган. «Оқшом»да чоп этилган ибратли мақолалар бир қатор хонадонларда мўқимланиб, тикилиб сақланарди. Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Абу Райҳон Беруний номидаги муқофот совриндори Шариф Отабоев хонадонда ҳали-ҳалигача «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» руқнида берилган туркум мақолалар дасталаниб сақланади.

Қирқ йиллик навқирон умр кўраётган «Тошкент оқшоми» газетаси янада ёлқинли, жозибали ва суюмли бўлиб қолишига умид қиламиз.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим,
Халқ таботати академиясининг аъзоси

Болалигимдан «Оқшом»ни севиб ўқирдим. Журналистикага бўлган қизиқишимга ҳам шу газетани сабаб бўлган десам хато бўлмайди. Урта мактабда ўқиб юрган чоғларимда хабарлар, лавҳалар, шеърлар ёзишни машқ қилиб юрардим. Кейинчалик бу қизиқиб мени Тошкент туманидаги «Шонли меҳнат» /ҳозирги «Истиклол нури»/ газетасига етаклади. Газета қошида ташкил этилган ишчи қишлоқ муҳбирлари университетига икки йил таҳсил олдим. Журналистика жанрларини ўрганишимда менга Пўлат Нишонов, Саъдулла Шодиев каби истеъдодли журналистлар ёрдам беришди.

Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқиб юрган кезларимда «Тошкент оқшоми» таҳририяти-

УЛАР ДОИМО ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ

Саховат кўрсатиш, меҳр-оқибатли бўлиш ўзбек халқининг жисму жонига сингиб кетган. Ночор ноғиронларнинг кўнглини олиб, етимларнинг бошини силаш эса азалий одатларимиздандир.

Шахримиздаги «Нур» кафесида ўтказилган «Борлигимнинг борисан, болажон» деб номланган тадбир ҳам ноғирон болалар соғлигини қайта тиклаш, бирлаштириш Тошкент шаҳар КРИДИ клуби томонидан ташкил қилинган бўлиб, Халқаро ноғиронлар кунига бағишланди.

Болажонлар ҳаётимизнинг бир бўлагидир. Ноғирон болалар ҳаётига мазмун ва маъно, қувонч ва шодлик бахш этиш эса инсонийлик бурчимиздир, — дейди шаҳар КРИДИ клуби жамоатчилик кенгашининг раиси Замира Базарова. — Клубимиз нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, хайр-эхсонлар эвазига фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу кечада 400 нафардан ортиқ ноғирон болалар иштирок этмоқдалар. Уларнинг юзюзида табассум, лабдада кулги, кўзларида шодлик учкунларини кўриб ҳаяжонланиб кетаяман. Тадбирни уюштиришда Республика Кўнрок театри театр арбоблари жамоатчилик жамғармаси, «Ўзбектеатр», 30, 22-Меҳрибонлик уйлари, Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият уйи ўз хиссаларини қўшдилар. Шунингдек, Тошкент шаҳар

хокимлиги, «Нестле» компанияси, «Арт ХАУС», «Адолат Одил» фирмалари, «Илҳом булоғи» ноғиронлар ассоциацияси ҳамда «Нур» кафеси раҳбарияти ҳомилик қилиб, болажонларга тўқин дастурхон ёзиш билан бирга, эсдалик совғалари ҳам улашдилар.

Кечада эл саванторлар Илҳом Фармонов, Анвар Ганиев ўларнинг дилрабо кўшиқлари билан болаларга завқ-шавқ улашдилар.

Мирзо Улуғбек туман хоқими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Маъсуда Ишмуратова, Театр арбоблари жамоатчилик жамғармаси директори ўринбосари Лариса Витовецкаялар сўзга чиқиб, ноғирон болаларга бир зум бўлса-да бахтли онларни ҳада этиш, уларнинг дардларига малҳам бўлиш қатта савоб эканлиги, асосийси уларнинг шу жамиятда ўз ўрни борлигини ва доимо эъозда бўлишга лойиқ эканликларини таъкидлаб ўтдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: «Нур» кафесида ўтказилган тадбирдан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



— Шу боис ҳам ҳар йили мамлакатимизда шу жумладан пойтахтимизда ҳам «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилиши аънаанага айланган қолган, — дейди «Тошкентшаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси техника хавфсизлиги хизмати раҳбари Иброҳим САЙИЕВ. — Бундан қўзланган асосий мақсад оғир оқибатларга олиб келувчи ёнғин ҳодисаларининг олдини олиш, аҳолига ёнғин содир этилмаслиги учун нималарга эътибор қаратилиши лозимлигини тушунтиришдир.

Халқимизда бежизга «Ўт балосидан асрасин» деган иборат тармайдми. Ҳақиқатан ҳам қизғин паллага кирган хавфсизлик ойлигида бунга ҳамшаҳарларимизга янада чуқуროқ аниқлаш яхши самара беради. Айниқса, совуқ кунлар бошланиши олдида ўтказилаётган ушбу тадбир кўзланган мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда «зангори олов» ҳар бир хонадонда беминнат дастурга айланган қолган. Албатта ундан фойдаланишда қўнқониданларга риоя этилса, ноқўнқоний йўллар билан ишлатилмас, бу ҳаммамизга — газ етказиб берувчига ҳам, истеъмолчига ҳам фойдали. Лекин айрим тартиббузар, бепарво ва лоқайд истеъмолчиларнинг учраб туришини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Шу боис ҳам корхонамиз ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан ўтказилаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этишмоқда. Ойликни ушшоқлик билан олиб бориш учун

корхонамизда махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, Тошкент шаҳар Ёнғиндан сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда бажариладиган чора-тадбирлар режаси белгиланган.

Ушбу режалар ойлик давомида муваффақият билан амалга оширилмоқда. Корхонамиз ходимлари шаҳар ИИББ ЁХБ билан биргаликда пойтахтимиз маҳаллаларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда учрашув ва суҳбатлар уюштиришмоқда. Корхонамиз учун 10 та билрамчи ўт ўчиргич воситаси сотиб олинди. Шунингдек, шахримиздаги «Аския», «Юнусобод», «Авиасозлар» ва бошқа бозорларда фуқароларга газдан тўғри фойдаланиш, ёнғиннинг олдини олиш ва унинг оқибатлари ҳақида

ни олиб, ана шунга оид текширувлар ўтказилди. Шунинг баърида келгусида бу каби кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланди ҳамда амалдаги қўнқонларга мувофиқ айбдор фуқароларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Айниқса, туманлардаги ёнғиндан сақлаш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган қўша рейдлар давомида корхона, ташкилот ва хонадонлардаги эътиборсизлик ва ўзбошимчиликлар аниқланмоқда ҳамда уларни жойида бартараф этиш чоралари қўрилмоқда. Бу билан содир бўлажак ҳўллаб ёнғин ва бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинмоқда.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Бектемир туман

лар тузилиб, ёнғин хавфсизлиги таъминланмагани учун газ тармоғидан узиб қўйилди.

Шунингдек, Чилонзор туманидаги Фарход кўчаси, 43-уйда яшовчи Мансуров, Қозиробод кўчаси, 133/12-уй эгаси Абдуғаниева, Тохир кўчаси, 55-уйдан Азимовлар хонадонидан ҳам ўзбошимчиликлар аниқланди. Худди шундай камчиликлар Ҳамза тумани Мўйноқ кўчаси, 2-уйда, Мусаффо кўчаси, 19-уйда, Яқсарой тумани Уриқзор кўчаси, 37-уйда, Дамариқ 2-тор кўчаси, 6-уйда ҳам аниқланиб, ёнғин келиб чиқишининг олди олинди ҳамда далолатнома тузилиб, газ тармоғидан узиб қўйилди. Шу билан биргаликда ноқўнқоний ўзбошимчилик билан улашишлар оқибати тушунтирилди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, «Кўза кунда эмас, кунда синади» деган мақол бекорга айтилмаган. Шунинг учун ана ўша кунини пойламасдан хамиша хушёр бўлсак, газдан фойдаланиш қоидаларини бузмасак, кўнгилсиз ҳодисалар ҳам келиб чиқмайди. Бунга ҳар бир истеъмолчи ёдида тўтса, нафақат ўзининг, балки кўнқонқўшнисининг пешона тери билан йиққан мол-мулкни асрашда ҳисса қўшган бўлади. Ёнғин хавфсизлиги ҳамда газдан оқилона фойдаланиш қоидаларига амал қилиш, газ плитасини ёқилган ҳолда қаровсиз қолдирмаслик, бехудага «зангори олов»ни исроф қилмаслик факатгина ойлик давомида эмас, доимий давом этиши лозим.

Шарифа ИЛЁСОВА

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Лоқайдлик ва бепарволикнинг оқибати, албатта яхшилик билан тугамайди. Ундан катта зарар кўргандин кейин эса афсус-надоматларга ўрин йўқ. Негаки йўқотилган ва бой берилган нарсаларни тиклаш анчагина маблаг талаб қилса, фожевалар бил умр юрагимизда армон бўлади. Айниқса, «зангори олов»дан ўзбошимчилик билан фойдаланиш, мавжуд қўнқон-қоидаларни бузиш, эътиборсизлик туфайли ёмон оқибатлар келиб чиқиши табиий ҳол.

радиоэшиттиришлар ташкил қилинди. Корхонамизнинг барча бўлимлари билан ҳамда тумангазларда ёнғинга қарши қалқонлар текширилиб, қум, сув ва бошқа анжомлар билан қайта жиҳозланди, чекиш учун махсус хавфсиз жойлар ажратилиб, оғоҳлантирувчи тахтачалар осиб қўйилди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ойликни ўтказиш даврида табиий ва сулолтирилган газдан фойдаланиш жараёнида содир бўлган ҳар қандай ҳодисалар пухта ўрга-

нидаги «Бекабсервис» хусусий фирмасида, «Диёр савдо» уйда 4 комфоркали газ плитага резина ичак орқали уланган. Машарипов 3-тор кўчасида жойлашган 106-уйдаги Насимовлар хонадонидан сув иситиш қозонига газ резина ичак орқали улаб ишлатилмоқда. «Кўйлик» буюм бозорининг чойхонасида, Охангарон шоҳкўчаси, 204-уйдаги Тоғаявлар хонадонидан ҳам ўрнатилган дундурунларнинг носозлиги аниқланди. Ўқоридаги камчиликлар бўйича далолатнома-

ЛАТИФАЛАР

Доктор бемордан сўрапти:
— Бу ерга келишингиздан олдин бирор ким билан маслаҳатлашдингизми?
— Ҳа, дорихона сотувчиси билан.
— Сизга энг аҳмоқона маслаҳат берганини тасаввур қиляпман.
— Ҳа, у сизга мурожаат этишимни тавсия қилди.

Қиз:
— Азимим, агар сен мени яна бир бор ўпсанг, мен умрбод сенки бўлиб қоламан.
Йигит:
— Ох, оғоҳлантирганингиз учун раҳмат.

Икки дугона суҳбатлашапти. Бир иккинчисидан сўради:
— Хўш, эринг қалай?
— О, мен шундай бахтлиманки, турмуш қурганимизга бир ҳафта бўлибдики, ҳали бирор марта ҳам жанжаллашганимиз йўқ, илоҳим, кейинги ҳафта ҳам шундай ўтсин.

Доктор ҳузурда:
— Доктор, эсим кирди-чиқди бўлиб қолди.
— Қачондан бошланди?
— Нима «қачондан бошланди»?

— Анави «кирди-чиқди»-да.
— Қанақа «кирди-чиқди», эсингиз жойидами ўзи?

Суд жараёнида судья гувоҳдан сўрапти:
— Ёлгон гувоҳлик берганингиз учун сизни нима қутаётганини биласизми?
— Ҳа, япон телевизорини ваъда қилишган.

Судья жиноятчидан сўрапти:
— Сиз нима учун қалбаки пуллар тайёрлаясиз?
— Чунки ҳали ростакамини тайёрлашни ўрганганим йўқ, жаноб.

Чукоткалик мактанаепти:
— Тақси ҳайдовчисини бошлаб алладим!
Шериги:
— Қандай қилиб?
— Қишлоғимизгача олиб бориши учун пул тўладимда, ўзим, бормадим.

Жиннихонада қўлида қонга кетган болта кўтариб югуриб кетаётган жиннини доктор тўхтади, ундан сўрапти:
— Хай, жинни, нима қилиб юрибсан?

Жинни қувноқ оҳангда:
— Абдураимий уйқудан уйғониб, ёнидаги жавон устида ўзининг қалласи турганини кўрса, роса кулги бўлади-да.

Стюардесса йўловчилар хонасига ўтиб лабдада табассум билан деди:

— Хурматли йўловчилар, парвозимиз белгиланган вақтдан 50 дақиқа олдин яқуланганидан бўлди.

Яқинроқ ўтирган йўловчи хурсанд бўлиб сўради:
— Шунча тез этиб келдикми?

— Йўқ. Самолётнинг мотори ишдан чиқди.

Кичкинтой Алишер ошхона юмушлари билан банд бўлган онасининг олдида келиб депти:

— Ойи! Қўшимиз Даврон амаки нима учун кийимларини расво қилиб, гандирақлаб уйига келди?

— Э, ўша ароқўрми? У одам эмас, чўчка.

Орадан вақт ўтиб Алишер яна югуриб келганича депти:
— Ойи! Ойи! Дадам чўчка бўлиб келаяпти.

НАЗОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент шаҳри, Ҳамза туманида жойлашган «КОК-КОЛ» масъулияти чекланган жамиятида (код ОКПО 16297485) тугатиш жараёни амалга оширилди. Шикоятлар икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 90-18-05.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қўнқонийлиги ҳақида шўбҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

ТАЪМ ВА ГЎЗАЛЛИК УЙФУНЛИГИ

Тошкентдаги туризм касб-хунар коллежида ўтказилган семинар иштирокчилари Япония таомларини пишириш санъати билан яқиндан танишишди. Мазкур тадбир Япония элчихонаси ҳамда Ўзбекистон — Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Аввал ўтказилган бир қанча семинарлардан фарқли ўлароқ, ошпаз Фудзисэ томонидан Ўзбекистондаги кўпгина маҳаллий маҳсулот ва савбазотлардан фойдаланса бўладиган рецентлар тақлиф этилди, — деди Япония элчихонасининг биринчи котиби Китагава Татсуо.

Кун чиқар мамлакат овқатларини тайёрлашга ихтисослашган тошкентлик пазандалар, коллеж ўқитувчилари сакана-но-ницукэ (зираворли кайнатилган балик), темпура (маҳсулотларни клярга енгил бўлаб олинб, қовурилган бўлақлар), су-номони (сиркаланган савбазотлар) ни тайёрлаш услубларини зўр қизиқиш билан кўзатишди. Фудзисэнинг бафтафил маслаҳатлари, таом тайёрлашдаги шахсий иштироки ўзбекистонлик ошпазларга таъм ва гўзаллик уйғунлиги билан ажралиб турувчи япон таомларини пишириш сир-асрорларига ошно бўлишга имкон яратди.

— Дастурхонни юксак дид ва назик идишлар билан безатиш японияликлар наздида муҳим ўрин тутади, — деб таъкидлади К.Татсуо. — Япон таомларини пишириш аниъанаси нафақат Европа, Осиё давлатлари, ҳаттоки кўшни хитойликларникидан ҳам тубдан фарқ қилади. Унда энг аввало маҳсулотларнинг ибтидо кўринишига катта ҳурмат билан қаралади. Қадим-қадим замонларда илоҳларнинг меҳробини — ками — устига дала, тоғ ва денгизларнинг фақатгина сархил инъомлари, яъни энгилла тутилган балик, хилчи пишган мева ва савбазотлар, ранги оппоқдиган кўзни қамаштирувчи гурунч каби неъматлар қўйилган.

Замонлар ўтиши билан япониялик ошпазлар турли мамлакатлардаги таом тайёрлаш санъатига ижодий ёндошиш ўзларига фойдалана бошлашган. Масалан, мазкур семинарда тақдим этилган темпура таомининг илгизлари Испанияга бориб тақалади.

— Биз шундай семинарларни давом эттириш ниятидамиз, — деди К.Татсуо. — Ихтисослашган мастер-классларда бундан буён янада мураккаб ва лазиз япон таомларини тайёрлаш услублари ўргатилади.

Унинг фикрича, Ўзбекистонда туризм соҳаси фаол ривожланиб бормоқда. Тошкентдаги ресторанларда япон миллий таомларини юқори малака ва зўр маҳорат билан тайёрлашни шарқ таомларини хуш кўрадиган хорижий кўрандаларни ҳам жалб этиши, шубҳасиз.

«Туркистон-пресс»



Пауэрлифтинг

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР КЎРСАТИШДИ

Беш кун давомида шаҳримиздаги Республика олимпия заҳиралари коллежида катталар, ёшлар ва аёллар ўртасида пауэрлифтинг бўйича мамлакат биринчилиги ва Кубого баҳслари бўлиб ўтди.

Мусобақаларда республикамизнинг турли вилоятларидан келган 175 нафар спортчининг иштироки татбиқ қилинган. Хусусан, 43 килограмм-гача бўлган энг енгил вазнда пойтахт вакили А.Асомова умумий ҳисобда 145 килограммлик вазни забт этгани ҳолда голиблар сафини бошқарди.

46 килограммгача вазн тоифасида эса муҳлислар ажойиб натижаларнинг гувоҳи бўлишди. Ҳамшаҳримиз А.Васина учқураш суммасига қара

300 килограмм штангани кўтаргани ҳолда Ўзбекистон рекордини янгилашга муваффақ бўлди.

Кейинги вазнда голиб чиққан спортчи — андижонлик Г.Эргашевнинг ушбу оғирликнинг ярмидан бир оз кўпроги — 165 килограмми бўйсундирганлиги ҳам Васинанинг натижаси нақадар юқори эканлигидан далolat беради.

60 килограммликлар ўртасида яна бир тошкентлик спортчи А.Ибрагимов 105 килограмм натижа билан биринчи ўринни эгаллади.

72 килограммгача вазнда ҳамшаҳримиз В.Ражабова анчагина юқори натижага эришиб, улта уринишда 320 килограммлик штангани кўтарилганга муваффақ бўлди.

90 килограммгача бўлган энг оғир вазнда навоийлик спортчи Ю.Стесенкога тенг келади-гайлар топилмади. Ушбу вазнда 410 килограммлик натижа галаба учун кифоя қилди.

Ёшлар ва катталар ўртасида ҳам кўпلىк тошкентлик спортчилар юқори натижаларни кўрсатиб, мусобақа голиблигини кўлга киритишди. Чунотчи, Алексей Ким 485 килограмм натижани учта кўтаришда кўрсатган бўлса, 67,5 килограммгача вазнда Т.Ҳакимов 543 килограмм миқдордаги оғирликни кўтариб, мутахассису мулҳисларни лол этди.

75 килограммдан юқори вазндаги полвонлар ўртасида эса пойтахтнинг яна бир вакили Сергей Фотиев 650 килограмм натижага кўрсатишга муваффақ бўлди. Учқурашнинг бир тури бўйича 260 килограмм натижа билан Ўзбекистон рекордини ўрнатди.

Ўзбекистон пауэрлифтинг федерацияси томонидан ташкил этилган мамлакат биринчилиги ва Кубого мусобақаларининг барча голиб ва совриндорларига медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси 2006 йил 6, 10, 13, 17, 20, 24, 27, 31 январь кунлари аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилди:

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи

— Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурхонов кўчасида, сат-хи 0,04 гектардан бўлган тўртта ер участкаси. Ҳар бирининг бошланғич нархи 984 000 сўмдан.

— Мирзо Улуғбек тумани, Д.Убайдуллаев ва Мусо Жалил кўчалари кесишган ҳудудда жойлашган, сат-хи 0,02 гектар бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи 880 000 сўм.

— Юнусобод тумани, «Ҳасанбой-2» мавзесида, сат-хи 0,03 гектар бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи 312 000 сўм.

Ҳамза тумани, Мусахонов 2-тор кўчаси, 33-уйда жойлашган "TOSHKENTDONMAHSULOT" ОАЖга қарашли: - 1995й. и/ч, д/р 10ВВ 602 бўлган ГАЗ-31029 а/т воситаси. Бошланғич нархи 1 500 000 сўм.

- 1989й. и/ч, д/р 10ВВ 539 бўлган ТАРЗ-002Б а/т воситаси. Бошланғич нархи 1 912 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкалари учун савдо кунидан уч кун аввал, автотранспорт воситалари учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагани билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридиға зақалат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

Мунажжим башорати

ЯХШИЛАРГА ЁНДОШИНГ

7 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

Авесто тақвими бўйича бугунги кун келажакни аниқ кўра олиш, нима учун курашиш, қаёққа қараб боришни билиш, яъни шуларнинг ҳаммасини тўла хис этиш ва англаб етиш мақсадида ниятнинг поклаш кўни ҳисобланади. Бугун шаҳар ташқарисига саёҳатлар уюштириш, сафарларга чиқиш, ҳуқуқшунослар билан мулоқотлар ва бирон ишга пул-маблаг тикиш хайрли бўлади.

Бугун савдо-сотик ва молиявий амалиётлар билан шуғулланиш мумкин. Лекин бунда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Чунки қоғозлар ва ҳужжатларда хатоликларга йўл қўйиш хавфи кучли бўлиб, бу ҳолат юридик мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, шериклар ўртасида ҳам англашилмовчилик ва келишимовчиликлар келиб чиқиши эҳтимоли йўқ эмас.

Гапирадиган гапларингиз ва қилмишларингизни яхшилаб ўйлаб олинг, шоққалоқликдан, бекорчи ваъдалардан ўзингизни асранг. Бугун, шунингдек, ўтмишни ёдга олиш, оилангиз бобкалонлари, насл-насабингизни билишга интилиш, кекса қариндошлар билан мулоқотда бўлиш фойдали.

Калитнинг синиши ёки тасодифан эшикнинг ёпилиб қолиши нохушликлардан огоҳлантиришидир. Узоқдан келган меҳмонлар, анчадан буён узилиб қолган алоқаларнинг тикланиши — яхшиликка. Мабодо, бугун харид қилган буюмларингиз синса, йиртилса ёки йўқоладиган бўлса, бир ой давомида уларни бошқа харид қилманг.

Кўёш кўтарилгандан кейин қўрилган тушларга кўпроқ эътибор қилинг — улар башоратли

бўлиши кутилади.

Товуқ гушти ва тухумини бугун емаганингиз маъқул — улар танангизга зарар келтириши мумкин. Корининг пастки қисмида, оёқ ва ўпкада жарроҳлик операцияларини бошқа вақтга қолдириш мақсадга мувофиқ.

Кийим-кечаклардан сарф ва ҳаворанг либослар омаднингиз келишига ёрдам беради. Қизил ва сиёҳранг кийимларингизни бугунча киймаганингиз маъқул.

БУГУН:

- анча олдин бошлаб қўйган ишингиз нармай қўйиб бўлиш;
- бевосита бошлигингиз ва истаган максадаги раҳбарлар билан мулоқотда бўлиш;
- ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш;
- ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашиш;
- ижтимоий таъминот ходимлари билан учрашиш;
- хушмуомала ва сертавозе бўлиш;
- ўз фикр ва мақсадларингизни аниқ-лўнда ифодалаш;
- оилада ва хизмат жойингизда муносабатларни яхшилашга уриниб қўриш тавсия қилинади.
- Сафсатабозлик ва кўнгилсиз чар ишларга кўп вақт сарфлашдан ўзингизни тийишни маслаҳат берамиз.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-29-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқо, офсет усулида босилади. Қогоғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чикади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтамати» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа ширкатидаги компанияга босмоқдаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.